Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
15-sentabr,
payshanba
№ 110
(3771)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Янгиликлар

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳамкорликдаги лойиҳалар доирасида мамлакатимиздаги тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт инвентарларидан иборат мурувват ёрдами кўрсатилмоқда.

Навбатдаги хайрия тадбирида мазкур ташкилот томонидан юборилган витаминлар билан бойитилган маҳсулотлар тиббий-ижтимоий муассасаларга топширилди.

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Мирзаобод туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйлар фойдаланишга топширилди.

Соғлом она ва бола йилида тумандаги «Боғистон» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган замонавий тураржойлар ҳам 100 оилага бир олам қувонч улашди.

Массивда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб 90 ўринли мактаб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти, тикув цехи, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бунёд этилди.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Оқдарё туманидаги Самарқанд агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 130 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди.

Тадбирда 50 нафардан ортиқ иштирокчи ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

Ярмарка давомида иштирокчиларга меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоятда «Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзуидаги тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Шаҳрисабз технология касб-ҳунар коллежида маданият ва санъат намояндалари, адабиётшунос олим ва педагоглардан иборат тарғиботчилар гуруҳи ва ёшлар иштирокида ташкил этилган учрашувда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг тинч ва фаровон ҳаётимиз йўлида амалга оширган эзгу ишлари ҳақида фикр юритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# Наманганнинг момиқ сочиқлари

*Наманган шаҳридаги «Наманган момиқ сочиқлари» масъулияти чекланган жамиятида турли ўлчамдаги момиқ сочиқлар, катталар ва болалар учун халат ва чойшаблар ишлаб чиқарилади.*





40 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланаётган корхонада 200 ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона ҳисобчиси Аҳадхон Исоқовнинг айтишича, жорий йилнинг 8 ойида корхона 3 миллион 745 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилди.

**ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.**

Бахтиёр болалар мамлакати

# Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми ташкилотчиларининг VI Республика Форуми

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг VI анъанавий Республика Форуми ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбар ва ходимлари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**




Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидлади.

— Истиқлол йилларида ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда, — деди, жумладан, Федерация Кенгаши раиси. — Ушбу жараёнда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилги болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумида ўтган йилларда бошланган янгича ёндашув асосидаги тизимли ишлар янада такомиллаштирилди. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларга хос бўлмаган тажрибаси, яъни, болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятини йўналтириш амалиёти ўзининг ижобий самарасини берди.

Анжуманда таъкидланганидек, Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи ҳамда унинг таркибида ташкил этилган ишчи гуруҳлари ва ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ва уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида доимий ишловчи штаб фаолияти йўлга қўйилиб, ҳар бир ҳудуддаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти, уларда мавсумни намунали ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар мувофиқлаштириб борилди.

Яна бир муҳим жиҳат — мавсумнинг Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси»га мувофиқ ташкил этилганлиги болаларни соғломлаштириш йўналишидаги ишлар сифатини ошириш, оромгоҳлар фаолиятини шаклан ва мазмунан бойитиш имконини берди. Шунингдек, болаларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини кенгайтирди.

↘(2).

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

**Нефт-газ саноати иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидандир. Ўзбекистон дунёда табиий газ қазиб олиш бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Сўнгги йилларда амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимиз газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефт маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди.**

# Бунёдкорона меҳнат ва муштарак манфаатлар таранנуми

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг барча соҳаларини, жумладан, нефт-газ тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сармоявий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги иншоотларни барпо этиш, мавжудларини замон талаблари асосида реконструкция ҳамда модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, корхоналараро кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароит, имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Бугунги кунда бензин, дизел ёнилғиси, мазут, нефт мойлари, битум, авиакеросин каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Газни қайта ишлаш мажмуаларида суюлтирилган газ, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Бир сўз билан айтганда, жаҳон нефт-газ саноатидаги мураккаб вазиятларга қарамасдан, юртимизда бу соҳа жадал суръатларда ривожланмоқда.

Истиқлол йилларида кўплаб замонавий мажмуа ва йирик корхоналар ишга туширилди ва бу табиий бойликларни ўзлаштириш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имконини бермоқда. Бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, хомашё ва маҳсулотлар экспорти тобора оширилаяпти.

Эътиборлиси, нефт-газ тармоғида иш самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарига инновацион лойиҳаларни жорий этиш, мавжуд қувватларни технологик янгилаш тадбирлари изчил олиб борилаётир. 2015 — 2019 йилларда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурига доир Президент Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Албатта, иқтисодиётимизнинг локомотивларидан бирига айланган нефт-газ саноатида қўлга киритилаётган ютуқлар эътирофга лойиқ бўлиб, бунинг замирида яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар мужассам.

↘(3).



Асрга тенгдош корхона

>> 3



Хайрли ишларда камарбаста

>> 4

# Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми ташкилотчиларининг VI Республика Форуми




(1).

Натижада, бугун оромгоҳлар нафақат соғломлаштириш масканларига, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш марказларига айланди. Янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилган махсус дастурлар бўйича оромгоҳларда тарбиявий йўналишдаги ишлар ва тадбирлар мазмуни тубдан янгиланиб, маънавий жиҳатдан бойитилди. Барча соғломлаштириш оромгоҳларида кутубхоналар, турли тўгараклар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, ҳар бир мавсумда болалар учун чет тили тўгараклари ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Мавсум давомида барча оромгоҳларда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида 15 мингдан зиёд маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари, концерт дастурлари ташкил этилиб, уларга таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар жалб этилди. «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати», «Касаба уюшмалари — болаларга» акциялари ўтказилиб, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти юксалтирилди.

Ҳукумат даражасида ҳар йили тизимли равишда тасдиқлаб келинаётган оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастур болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш билан бирга ҳудудларда энг замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи янги дам олиш масканлари барпо этилишини таъминламоқда. Мазкур Манзилли дастур доирасида ҳар йили мамлакатимиз миқёсида 50 га яқин болалар оромгоҳида қурилиш-таъмирлаш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилиб, янги оромгоҳлар барпо этилмоқда. Хусусан, 2016 йилги Манзилли дастурга мувофиқ 4 та оромгоҳ янгидан қурилди, 35 та оромгоҳда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарё вилоятида «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод», Давлат Солиқ қўмитаси томонидан Тошкент вилоятида «Баркамол», «Асакабанк» томонидан «Асака» ва бошқа қатор оромгоҳлар қурилиб, ишга туширилди. Бунинг натижасида оромгоҳлардаги ўринлар сони яна 450 тага ортди.

Бу йилги мавсумда республика миқёсида 1214 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи (2015 йилда 1167 та), шу жумладан, 211 та стационар турдаги, 863 та кундузги оромгоҳ ҳамда 140 та меҳнат ва дам олдириш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 303 минг 650 нафар бола соғломлаштирилди. Бу кўрсаткич режага нисбатан 104 фоизни ташкил этди ва оромгоҳларда соғломлаштирилган болалар сони 2015 йилга нисбатан қарийб 4 минг нафарга кўпайди.

Болаларнинг қизиқишини инобатга олиб, бу йилги мавсумда ихтисослашган оромгоҳлар фаолияти сифати оширилди. Хусусан, жорий йилда 242 та ихтисослашган оромгоҳ фаолият кўрсатди. «Интеллектуал ривожлантириш», «Ҳарбий спорт», ўсмир ёшдаги болалар учун «Меҳнат ва дам олдириш», «Экологик-биологик», «Ижтимоий мослашув», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик», «Бадиий ижодиёт» йўналишларидаги оромгоҳлар ташкил этилиб, намунали фаолият кўрсатиши таъминланди.

Ўтган йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга киритилган тажриба — «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳлари фаолияти жорий йилда янада кенг миқёсда давом эттирилди. Худди шундай оромгоҳлардан бири республика миқёсида «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида ташкил этилди. Бу ерда турли ҳудудлардан фан олимпиадалари ва «Билимлар беллашувлари» ғолиблари бўлган 500 нафар иқтидорли бола ўз устозлари билан биргаликда касаба уюшмалари томонидан бепул соғломлаштирилди. Улар учун маданий-маърифий ва маънавий тадбирлар билан бир қаторда «Маҳорат дарслари» ташкил этилди, диёримизнинг энг таниқли олимлари, фан арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар уюштирилди. Бу турдаги оромгоҳлар республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиб, жами 15 та интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи фаолият кўрсатди.

Маълумки, оромгоҳларга 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар жалб этилади. Ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг ҳам мароқли ҳордиғини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида турли ҳудудларда фаолияти йўлга қўйилган 140 та «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳида академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг 6 минг нафарга яқин ўқувчилари дам олдирилди. Корхона ва ташкилотлар қошида ташкил этилган бу турдаги оромгоҳларда лицей ўқувчилари дам олиш билан бирга дастлабки ижтимоий-фойдали меҳнат кўникмаларига эга бўлган бўлса, коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар. Улар учун турли маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари уюштирилди.

Бу йил ҳам ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилди. Хусусан, давлатимиз ғамхўрлиги остида Оролбўйи минтақасидан 4 минг 660 нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Касаба уюшмалари томонидан 44 минг нафардан ортиқ болалар жамоа шартнома ва келишувлари орқали бепул ва имтиёзли соғломлаштирилди, 2 минг 980 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда жисмоний имконияти чекланган болалар бепул йўлланмалар билан таъминланиб, мазмунли ҳордиқ чиқарди. Болаларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида 2 минг 400 нафар она ва болалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда «Она ва бола» йўлланмалари орқали имтиёзли равишда ўз саломатлигини мустаҳкамлади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда маҳаллаларда яшаётган ижтимоий ҳимоялаб оилаларнинг 600 нафар фарзанди ва ота-онасиз болалар бепул дам олдирилди. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидан шундай оилаларнинг 100 нафар фарзанди бепул ва имтиёзли соғломлаштирилди.

Барча оромгоҳларда ички ишлар, тиббиёт, коммунал-маиший соҳалар ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди.

Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг VI Республика Форумини ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишдир.

Мазкур Форумда ёзги соғломлаштириш мавсуми якунларини сарҳисоб қилиш билан бирга 2016 йилги болаларни соғломлаштириш мавсумида энг намунали фаолият кўрсатган оромгоҳлар, уларда иш олиб борган ходимлар, мавсумни ташкил этишда энг фаол иштирок этган ҳомий ташкилотлар, хўжалик органлари, ҳокимликлар, ҳамкорлар, идора ва ташкилотлар, мавзуни энг яхши ёритган оммавий ахборот воситалари вакиллари Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан муносиб рағбатлантирилди. Улар «Энг намунали болалар оромгоҳи» кўрик-танлови Низоми ва энг яхши фаолият кўрсатган ходимларни аниқлаб берувчи Низом асосида сараланди. Асосий мақсад мавсум давомида ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали келгусида янги муваффақиятларга ундашдир.

Жумладан, мавсум давомида энг намунали фаолият юритган 27 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи «Энг намунали болалар оромгоҳи» деб топилиб, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва қатор ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, Форумда 14 та номинация бўйича оромгоҳларда самарали меҳнат қилган 6 нафар оромгоҳ бошлиғи, 5 нафар тарбиячи, 6 нафар етакчи, 5 нафар тўгарак раҳбари, 5 нафар спорт мураббийи, 5 нафар тиббиёт ходими, 5 нафар ошпаз, 5 нафар ички ишлар ходими, 5 нафар фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходими, 5 нафар оммавий ахборот воситалари вакили, 16 нафар корхона, ташкилот вакиллари ҳамда 5 нафар шаҳар ва туман ҳокимлари, жами 99 нафар мутахассис муносиб тақдирланди. Уларга Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи дипломлари, «Бахтиёр болалар мамлакати» статуэткаси, касаба уюшмалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг қимматбаҳо совғалари, шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

Болалар — мамлакатимизнинг умид ниҳолларидир. Уларнинг истиқболи учун қилинган бу каби эзгу ишлар бир куни саховат боғи мисол маънавият бўстонида мўл-кўл ҳосил беражаги шубҳасиздир.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.**
**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.*

## СЎЗ — СОВРИНДОРЛАРГА

**Мунира АБДУЛЛАЕВА,**
**Чуст тумани «Баркамол авлод» оромгоҳи раҳбари (Наманган вилояти):**

— Бу йил оромгоҳимизда 600 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Ёзги мавсумда болажонларимизни дам олдириш ва соғломлаштиришга ҳар йилгидан-да жиддий масъулият билан ёндашилди. Ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳимизда мавсум арафасида катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Барча бинолар таъмирланиб, жиҳозланди. Болаларни дам олдиришнинг аниқ дастури тузилиб, истиқлолнинг 25 йиллигига бағишланган тадбирлар, юртимиз тарихини яқиндан ўрганишга кўмак берадиган саёҳатлар ташкил этилди. Болаларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароит яратишга яқиндан кўмак берган ҳомийларимиздан миннатдормиз. Олиб борган саъй-ҳаракатларимиз муносиб тақдирланди. Оромгоҳимиз «Энг намунали болалар оромгоҳи» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Совриндор бўлишимиз бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.

**Ўрмонжон ТЎЙЧИЕВ,**
**«Чимён» оромгоҳи бошлиғи (Фарғона вилояти):**

— Форумда «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинацияси бўйича тақдирландик. Бу эътироф зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Қолаверса, бугунги форум барчамизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда айтилган илиқ сўзлар кучимизга куч қўшиши шубҳасиз. Эътироф этиш жоизки, болажонларимизнинг яхши шароитларда мириқиб дам олиши, соғлом улғайиши учун мавсум давомида кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Оромгоҳда болаларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилди.
Ўнлаб тўгараклар болаларнинг билимини ошириш баробарида касб-ҳунар ўрганишига ҳам кўмак берди. Айниқса, чет тили тўгараклари иши намунали ташкил этилди.

**Шаҳло АБИДОВА,**
**«Транспортчи авлод» оромгоҳи ошпази (Тошкент шаҳри):**

— Оромгоҳимизда болажонларнинг овқатланишига алоҳида эътибор қаратилади. Белгиланган таомномани сархил озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишга ҳаракат қиламиз. Болажонларимиз ўзларини уйидагидек ҳис этиши, соғлом ўсиши учун ҳамиша ўзимизни масъул деб биламиз. Пазандаликда орасталик ва тозалик баробарида ўз касбингга меҳр ва хўрандаларга чексиз ҳурмат бўлиши керак. Маълумки, болалар овқат масаласида жуда инжиқ ва ширинтомоқ бўлишади. Шунинг учун биз тайёрлаган ҳар бир таомимизнинг мазали, тўйимли бўлиш билан бирга чиройли кўриниши, безалишига ҳам эътибор қаратамиз. Болажонларнинг пиширган овқатимизни иштаҳа билан тановул қилишини кўрганда, кўнглимиз тоғдай кўтарилиб, чарчоғимиз ёзилади. Нуфузли форумда «Энг яхши пазанда» номинацияси бўйича мукофотланганимдан жуда хурсанд бўлдим. Бу эътироф кейинги йилларда болажонларимиз учун янада ширин, сифатли, дармондорига бой таомлар пиширишимга илҳомлантиради. Фарзандларимиз соғлом бўлиб вояга етиши учун биз, ошпазлар уларга лаззатли таомлар тайёрлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

**Диёра НУРИЛЛАЕВА,**
**«Сармиш» оромгоҳи етакчиси,**
**«НКМК» давлат корхонаси:**

— Форумда Навоий вилоятидан 11 киши турли номинациялар бўйича совриндор бўлди. Мен ҳам «Энг фаол етакчи» номинацияси бўйича мукофотландим. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларидан ғоят миннатдорман. Аслида ҳам халқимизнинг болажонлиги, фарзандлар камоли йўлидаги фидойилиги мана шундай тадбирларда янада яққол намоён бўлади. Тўғриси, болакайлар билан ишлаш жону дилим, жажжиларни эзгуликлар сари етаклаш ҳаётим мазмунига айланган. Ахир болалар умидимиз ниҳоллари-да. Уларнинг нафақат дам олиш, балки ҳар онини кўнгилли ташкил этиш мен учун халқим, давлатим олдидаги муқаддас бурчга айланган. Шу боис оромгоҳимизда ўтган дам олиш соатлари болаларнинг хотирасида бир умр сақланишига ҳамиша эътибор қаратаман. Ҳар бир тадбирни катта тайёргарлик ва меҳр, қолаверса, кичкинтойларимиз қизиқишига қараб ташкил этаман. Ишончим комилки, оромгоҳда ўрганганларини давом эттиришса, улар орасидан энг масъулиятли, ташаббускор инсонлар, қўлигул ҳунармандлар етишиб чиқади. Форумдан катта таассуротлар билан қайтаяпман. Эътибор ва эҳтиром учун ташкилотчиларга раҳмат!

**Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Шифокор» оромгоҳи спорт мураббийи:**

— Соғлом бола — юрт келажаги. Соғлом она ва бола йилида бу ҳикмат биз мураббийлар учун шиорга айланди. Негаки, жисмонан соғлом, спортга қизиқиши баланд боланинг келажаги порлоқ, руҳи тетик ва бардам бўлади. Спорт инсонни чиниқтиради, соғлом фикрлашга ўргатади. Болаларнинг чаққонлиги, чидамлилигини оширади. Ўқув йилини янги куч-ғайрат билан бошлашга замин яратади. Шуни ҳисобга олиб ёзги дам олдириш мавсумида ўқувчиларни ҳар томонлама чиниқтириш мақсадида турли мусобақа ва спорт тадбирларини ташкил қилдик. Бунда оромгоҳимиздаги кураш, волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси каби тўгараклар муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, ҳавас қилса арзигулик спорт майдонларимиз болалар вақтини ҳам мароқли, ҳам фойдали ўтишида, турли спорт мусобақалари, эстафеталар ўтказишимизда замин яратди.
Меҳнатимизни юқори баҳолашганидан мамнунман. Форумда барча вилоятлардаги оромгоҳлардан вакиллар билан тажриба алмашдик, ўрганганларимни кейинги мавсумдаги фаолиятимда қўлламоқчиман.

Ўқув-семинар

**«Трастбанк» хусусий акциядорлик тижорат биржа банкида «Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли» мавзусида амалий семинар уюштирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этган мазкур семинарда «Трастбанк» ХАТБнинг республика бошқаруви аппарати ходимлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги филиаллари касаба уюшма қўмиталари раислари, ғазначи ва фаоллари қатнашди.**

# Интерфаол усулда

Семинар аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Тарихан қисқа даврда юртимиз барқарор суръатда тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган қудратли давлатга айлангани таъкидланди.

Семинарнинг амалий қисмида соҳа мутахассислари томонидан «Бошланғич ташкилотларда ишни Устав талаблари асосида ташкил этиш», «Касаба уюшма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиблари», «Ижтимоий суғурта маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва санаторийларга йўлланма бериш тартиби», «Банк муассасаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб вазифалари», «Меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ўрни», «Меҳнат муносабатларида касаба уюшмаларининг роли ва аҳамияти» каби мавзуларда слайд-тақдимотлар орқали интерфаол усулда маъruzалар қилинди.

Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан батафсил маълумот олишди.

Тадбир якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ўрни» номли видеофилм намойиш этилди.

Келгусида «Трастбанк» ХАТБнинг ҳудудлардаги барча филиалларида режа асосида ана шундай ўқув-семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

**Ҳаётжон ШАРИПОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси**

***

# Вакиллар малака оширмоқда

**Навоий вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув ижросини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар малакасини ошириш бўйича шаҳар ва туманларда ўқув-семинарлар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, Нурота ижтимоий-иқтисодиёт, Кармана педагогика ва хизмат кўрсатиш, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш, Хатирчи қишлоқ хўжалик ва Конимех агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида уюштирилган ўқув-семинарлар савол-жавоб ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.**

Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий асоси, бу борадаги ишларни ташкил этиш ва уч босқичли назорат, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар фаолияти, соҳада учрайдиган муаммоларни ҳал этиш масалалари юзасидан вилоят меҳнат бош бошқармаси бош давлат техник инспекцияси бошлиғи Ф.Болиев ҳамда бирлашма кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлим мудири Ч.Қодировнинг маърузалари катта қизиқиш уйғотди.

Қишлоқларда турмуш сифатини ошириш, аҳоли манфаатларини яхшилаш, тиббий маданиятни ҳамда ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив қоидаларига риоя этилишидаги ролини ошириш борасида фикр алмашилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олишди.

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Обод манзиллар

# Замонавий бахт уйи




**Жондор тумани марказида ФҲДЁ бўлими ва нотариус идораси учун замон талабларига мос бино қад ростлади.**

— Лойиҳа смета қиймати 990 млн. 472 минг сўмни ташкил этган объектни ўз вақтида фойдаланишга топширдик, — дейди «Музаффар» фирмаси раҳбари Тўлқин Шарипов. — Бунёдкорларимиз иш сифатига алоҳида эътибор қаратди. Натижада, меҳнатимиз юқори баҳоланди. Биз бундан илҳомланиб, янги объектларда таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини жадал суръатларда давом эттираяпмиз.

Бинонинг ён-атрофлари ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган. Чиройли гулзорлар ташкил этилган. ФҲДЁ бўлимининг дастлабки иш кунида тумандаги ёшлардан 6 нафари янги оила қургани қайд этилди. Уларга туман ҳокимлиги ва вилоят адлия бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Муаллиф олган сурат.*

# Бунёдкорона меҳнат ва муштарак манфаатлар таранnуми



(1).

Йирик саноат гигантларига айланган «Шўртангазкимё-мажмуаси», «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи», «Устюртгазкимё-мажмуаси», «Кўкдумалоқ» ва «Газли» газ-компрессор станциялари, «Хўжаобод» ер ости газ омбори каби корхоналарнинг ишга туширилиши, углеводород хомашёсига бой бўлган Қандим, Хаузак ва Шоди конларининг ўзлаштирилиши, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи»нинг реконструкция қилиниши, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» ва «Шўртаннефтгаз» корхоналарида замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш цехларининг фойдаланишга топширилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда тармоқ тизимида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, илғор технологиялар, инновацион ғоялар ва инвестиция лойиҳаларини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Россия, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Швейцария, Малайзия каби қатор мамлакатлар инвестициялари киритилиб, бугунги кунда тармоқ тизимида 20 дан ортиқ қўшма корхона, МЧЖлар фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилнинг май ойида Тошкентда ўтказилган йирик Халқаро нефт-газ Форумида ҳам жаҳон нефт-газ секторидаги мураккаб тенденцияларга қарамай, мамлакатимиз нефт-газ индустрияси ўз мавқеини туширмаган ҳолда ривожланиб бораётганлигини намоён этди.

Президентимизнинг Фармонларига биноан «2015 — 2019 йиллар давомида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш Дастури»га углеводород хомашёларини чуқур қайта ишлаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича нефт-газ тармоғи миқёсида амалга оширилиши режалаштирилган 50 та йирик лойиҳанинг киритилиши ҳам нефт-газ сектори мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. Мазкур лойиҳаларнинг 11 таси — 2016 йилда, қолгани 2020 йилгача амалга оширилиши белгиланган.

Тармоқ миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам ижобий ўсишга эришилмоқда. Жумладан, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 2 бараварга ошиб, 175,7 млрд. сўмга етган, уларни ўзлаштиришдан олинган самара эса ўтган давр ичида 318,6 млн. долларни ташкил қилган. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржаларда 1 млрд. 37 млн. долларлик шартномалар имзоланган. Импорт ўрнини босувчи рақоботбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш режаси бўйича 2016 — 2019 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми 1 млрд. 530 млн. доллар бўлган 123 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда 2008 йилдан буён нефт-газ соҳаси бўйича инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар бўйича анъанавий республика ярмаркаси ташкил этилиб келинмоқда. Мазкур ярмаркаларда умумий қиймати 10 млрд. 58 млн. сўмдан ортиқ 127 та шартнома имзоланиб, амалиётга жорий этилган. Жумладан, 2015 йилнинг 19-21 май кунлари Тошкентда ўтказилган анъанавий VIII Республика ярмаркасида тармоқ корхоналарининг вакиллари иштирокида 2015 — 2016 йиллар учун умумий қиймати 2 млрд. 415 млн. сўмлик 28 та шартнома имзоланди.

Мустақиллик йилларида геология соҳаси жадал ривожланиб, ер ости фойдали қазилма бойликларининг башоратли ресурсларини аниқлаш мақсадида янги ҳудудларни геологик тадқиқлаш, излаш ва тасвирлаш, илмий-тематик ишлар бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар сони йилдан-йилга кўпайтирилди ва 27 тага етказилди. Геология қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағ миқдори бугунги кунга келиб 2010 йилга нисбатан 5 бараварга оширилди. Волфрам, темир, кўмир, калий ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш ишлари йўлга қўйилди. Охирги беш йил ичида 10 дан ортиқ турдаги фойдали қазилмалар захираларини ўстириш бўйича белгиланган режа ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлиги даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур йўналишлардаги кенг кўламли ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.



Айтиш мумкинки, тармоқ тизимида касаба уюшмалари фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш йўналишидаги ишлар бугун ўз ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилувчи ихчам ва ишчан тизим яратилди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимида бугунги кунда 217 та бошланғич ва 4 та бирлашган касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, аъзолар сони 151 минг кишини ташкил этади. Кейинги йилларда барча бўғиндаги тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни кучайтириш, жамоа шартномаларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ижросини таъминлаш, таҳлил ва назорат қилиб бориш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Корхоналар даражасида ижтимоий шерикликни кучайтириш ва жамоа-шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлиги кучайтирилиб, корхоналарнинг мақоми, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва технологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг «тармоқ макетлари» ишлаб чиқилди ва барча корхоналарга етказилди.

Тармоқлар тизимидаги барча корхона ва ташкилотлар «тармоқ макетлари» асосида тузилган жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинишига эришилди ва жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди. Бош келишувдаги иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича берилган тавсиялар асосида «Ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш» юзасидан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2014 — 2016 йиллар учун чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тегишли қўшма қарорлар билан тасдиқланди. Мазкур қўшма қарорларга мувофиқ иш берувчилар ва касаба уюшма етакчиларининг меҳнат муносабатларига оид масалаларни тартибга солиш борасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳудудий ва республика миқёсида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларидаги вазифалар ижросини иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида таъминлаш масалаларига оид услубий қўлланмалар, тавсиялар ва тартиблар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ходимларнинг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган йиллик режаларнинг тўлиқ бажарилишига эришилмоқда. Ўтган 2015 йил давомида тармоқ корхоналарида 1490 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан 1064 та, тармоқни ривожлантириш ҳисобидан 413 та ва касаначилик меҳнати ҳисобидан 13 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Корхоналарга 18700 нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлаштирилди ва уларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси таъминланди. Ҳозирда тармоқ тизимидаги 43 та йирик корхонада 2600 нафарга яқин касаначилар билан меҳнат шартномалари тузилган ва уларнинг барчаси касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган.

Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилишини таҳлил ва назорат қилиб бориш йўлга қўйилган. Мазкур тадбирлар учун сарфланаётган маблағлар миқдори охирги 5 йил ичида 4,5 бараварга ўсди. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сони 1445 нафарга етди. Уларнинг 1394 нафари махсус дастур асосида ўқитилди.

Тармоқ тасарруфидаги болалар оромгоҳларида ҳар йили 25 минг нафардан ортиқ ходимларнинг фарзандлари сўлим оромгоҳларда мароқли дам олдирилмоқда. Шунингдек, 15 минг нафарга яқин ишчи-хизматчилар сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамладилар.

Корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёзлар ва кафолатларнинг кейинги йиллардаги ижросини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бу борада сезиларли даражада ижобий кўрсаткичларга эришилган. Жумладан, жамоа шартномалари орқали охирги беш йил ичида ходимларга берилган ижтимоий кўмак миқдори қарийб 1,5 бараварга кўпайган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида тасдиқланган «Федерация фаолиятининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари»да «иқтисодиётнинг реал секторида корхоналар фаолиятининг пировард натижалари билан ижтимоий имтиёзларнинг боғланишини назарда тутувчи, ижтимоий меҳнат соҳасидаги янги муаммолар ечимини белгилаб берувчи, корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишга ёрдам берувчи тариф келишувлари ва мослашувчан жамоа шартномаларини тузиш амалиётини кенгайтириш» устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бугунги кунда корхона ва ташкилотларда, айниқса, иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарда иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида мослашувчан жамоа шартномалари тузилишига эришиш — долзарб масалалардан бирига айланган. Мазкур масала бўйича тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан аниқ ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

Мулкчилик шакли, мақоми ва хўжалик юритиш услубидан қатъи назар ҳар бир корхонада иш берувчи билан бирга меҳнат муносабатлари доирасидаги барча масалаларни қонун устуворлигига таянган ҳолда демократик ва маърифий тамойиллар асосида тартибга солиш, манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва мувофиқлаштириб бориш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишлари бўйича ягона позицияни ишлаб чиқиш борасида бажарилган ҳар қандай ишнинг, амалга оширилган саъй-ҳаракатнинг самараси ва аҳамияти эришилган натижа ҳамда унинг қанчалик эътироф этилиши билан ўлчанади.

Тармоқ миқёсида иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида эришилган натижалар тарафлар манфаатларининг мувозанати, муштараклиги, узвийлиги ва ҳамоҳанглигидан далолат беради. Лекин, эришилган натижалар ва кўрсаткичлардан қониқиш ҳиссини ҳосил қилиб, улар билан чегараланиб қолишимиз бугунги кун талабига зид тушунча. Шу боисдан, меҳнат муносабатлари доирасидаги барча масалаларни иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида ҳал қилиш ва тартибга солиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтириш ҳамда юқори даражаларга кўтариш тармоқ касаба уюшмасининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Бинобарин, ҳар бир корхона, тармоқ, ҳудуд, умуман мамлакатимиз ҳаётида эришилаётган ана шундай ютуқлар ва кўрсаткичлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ва натижалари замирида нима, қандай буюк асос ётганлигини яна бир бора эътироф этиш ва англаб етиш, шак-шубҳа йўққи, бизни янги зафарларга илҳомлантиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар самараси, яратилган имкониятлар ва ҳуқуқий асослар, эришилган ютуқлар ва истиқболли режалар, барча саъй-ҳаракатлар ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини, шундай мамлакатда яшаш, меҳнат ва ижод қилиш халқимизда шукроналик ҳамда фахр-ифтихор туйғусини уйғотаётганини ва энг муҳими, буларнинг барчасининг замирида энг буюк неъмат — юртимизда ҳукм сураётган тинлик ва осойишталик ётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ва фаолиятимизда ҳис қилиб келаётганлигимиз айни ҳақиқат. Ўз навбатида, ана шу ҳақиқат моҳиятини ҳар бир замондошимизга етказиш ва дахлдорлик ҳиссини уйғотиш биз учун шарафли ишдир.

**Ғафуржон ҲАМИДОВ,**
**Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари**

Етакчи минбари

# Асрга тенгдош корхона



**Юртимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш қадимдан ривожланган. Археологик қазишмалар натижаларига таянадиган бўлсак, пахтачилик мамлакатимизга милоддан аввалги 2 мингинчи йилларда кириб келган. Оқсарой яқинида олиб борилган археологик қазишмаларда пахта чаноғи сурати чизилган сопол топилгани ҳамда Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида ҳам аҳоли пахтачилик билан кенг шуғуллангани шундан далолат беради. Пахтачилик бор экан, демак, уни қайта ишлаш соҳаси ҳам деярли бир вақтда пайдо бўлган. Пахтага ишлов бериш — тозалаш, чигитини ажратиш, тола олиш XIX асрнинг иккинчи ярмигача чиғириқ, чарх, девчарх, йиғ ва савағич каби содда меҳнат қуролларида бажариб келинган.**

XX асрнинг бошларида 20 минг аҳолиси бўлган Шаҳрисабзда ҳунармандчилик, савдогарлик, боғдорчилик кенг ривожланган. Бу ерда турли матолар тайёрланган. Айниқса, бўз (карбас) деб аталувчи ип-газлама тури кенг тарқалган. 1913 йили Шаҳрисабзда 800 гектар ерга чигит экилиб, 1160 тонна пахта хомашёси териб олинган. 1915 йил узунлиги 114 км.лик Қарши — Ғузор — Китоб темир йўл қурилиши «Китоб темир йўл станцияси» яқинида пахта заводи қуриш учун қулай имконият туғдирди. 1916 йил чет эллик сармоядорлар ва маҳаллий бойлар ҳамкорлигида Эшонқулбой томонидан Шаҳрисабзда пахта заводи қурилгани, шу ҳудудда етиштирилган пахтага дастлабки ишлов берилиб, хорижга сотилгани тарихдан маълум.

Деҳқонлар етиштирилган пахта хомашёсини заводга от-арава ва туяларда келтиришган. Дастгоҳлар сув ёрдамида ҳаракатга келтирилгани боис иш шароити жуда оғир бўлиб, ишчилар тонг отгандан то кун ботгунга қадар тер тўкишган. Завод бир йил фаолият юритгач, Биринчи жаҳон уруши бошланиб, пахта маҳсулотлари нархи кескин ошади. Ишчилар иқтисодий аҳволи қийинлашгани туфайли иш соатини қисқартириш ва иш ҳақини оширишни талаб қилишади. Эшонқулбой заводни ташлаб, қочиб кетади. Тўхтаб қолган заводнинг ускуналари қатъий назорат йўқлиги сабабли ишдан чиқади. 1925 йил заводнинг ишлаб чиқариш жараёни қайта реконструкция қилинган ва дастгоҳларни буғ ёрдамида ҳаракатга келтириш йўлга қўйилиб, маҳсулот ишлаб чиқарила бошланган.

Худди Чор Россияси давридагидек «Қизил империя» ҳукмронлиги йилларида ҳам Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги вужудга келтирилиб, пахта етиштириш миқдори йилдан-йилга кескин равишда ошиб борган. Натижада, мамлакат миқёсида пахта тозалаш заводларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун кенг кўламда ишлар бошлаб юборилган. 1955 — 1956 йиллар Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи бинолари лойиҳа асосида қурилиб, ўша давр учун хос бўлган қуритиш-тозалаш, тойлаш, тола ва момиқ ажратиш дастгоҳлари ўрнатилган. Дастгоҳларни ишлаб чиқаришда инсон омили ҳисобга олинмагани сабабли ишлаб чиқариш бўлимларида пахта хомашёси таркибидан ажралиб чиққан чанг миқдори санитар нормадан ортиқ бўлиб, ходимларнинг соғлиғига хавф солган. Ҳатто корхона атрофидаги электр симлари пахта чиқиндиси қобиғи билан ўралиб турарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ заводнинг технологик дастгоҳлари қисқа технология асосида қайта ўрнатилиб, герметизация ишлари яхшиланди. Ишлаб чиқариш бўлимларидаги чанг миқдорини кескин камайтириш мақсадида «УХК» маркали тозалаш линиялари ўрнатилди. Хомашё ва ишлаб чиқариш цехларидаги оралиқ масофалар қисқартирилиши ҳисобига ортиқча электр энергияси сарфи камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «Пахта тозалаш саноати корхоналарини 2007 — 2011 йилларда модернизациялаш ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»-ги қарорига асосан пахта тозалаш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари қайта қурилди ва жаҳон андазаларига жавоб берадиган дастгоҳлар ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш унумдорлиги 22 фоизга, пахта толасининг 1-2 навларини ишлаб чиқаришда «олий» ва «яхши» навлари улуши 85 фоизгача, маҳсулот сифати 11 фоизга ортиши таъминланди

Жамиятда ўтган йил Шаҳрисабз тумани фермерлари етиштирган 15 минг 288 тонна пахта хомашёси қабул қилинди. Пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида 5 минг 546 тонна тола ва 8 минг 567 тонна чигит ишлаб чиқарилиб, белгиланган бизнес режа бажарилди.

Дарвоқе, пахтадан олинган тола Хитой, Жанубий Корея ва Швейцария каби давлатларга экспорт қилинаяпти. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилган пахта толасининг 85 фоизи олий навни ташкил этади.

Ўтган йил корхонамизда 80 нафар ходимга моддий ёрдам ажратилди. Оила қурган ходимларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида моддий кўмак кўрсатилди. Шунингдек, ходимларнинг фарзандларига ёзги таътилда Яккабоғ туманидаги «Ёшлик» оромгоҳида дам олиш учун жамият ҳисобидан бепул 77 дона йўлланма ажратилди. Байрамлар муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, ходимларга қимматбаҳо совғалар тарқатилаётир.

Жамиятимиз томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалига, вилоятда ҳар хил спорт мусобақаларини ўтказиш ва спорт турларини ривожлантиришда кўмаклашиш, Шаҳрисабз шаҳрини ободонлаштириш ишларида ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинаётир.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ва вилоятимизда қалдирғоч корхона ҳисобланган «Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи» АЖнинг 100 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш бўлимлари ва пахта қабул қилиш масканлари тўлиқ таъмирланиб, жорий йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш тадбирлари белгилаб олинган.

**Абдурашид ҚАЮМОВ,**
**корхона касаба уюшма қўмитаси раиси**

